

ПИСТАЛИ КОНИ ЛАМПРОФИР ДАЙКАЛАРИ ГЕОЛОГИК ТАСНИФИ

М.О.Жумақулов


Геология фанлари университети

“Геокимё, минералогия ва пегурология” йўналиши 2 курс магистранти

Пистали кони Шимолий Нурота тоғларининг ғарбий қисмига тегишли. Энг яқин аҳоли пунктлари конга нисбатан Нурота шаҳри 50 км жанубий-ғарбда ва Қизилча посёлкаси 15 км шарқда жойлашган. Шимолий Нурота тоғларда олтинни излаш ва казиб олиш билан қадимдан шуғулланишган. Консой, Сентоб, Қоровулхона, Узунсоқол, Давлатхўжа, Қўнғирот ва бошқа конлардаги қадимий тоғ-кон иншоотларининг қолдиқлари шулар жумласидандир.

1993-1997 йилларда Н.А.Ахмедов ва Б.Д.Клименколар томонидан Самарқанд тоғ-маъдан ҳудудида олтинни башорат ресурсларни 01.01.1994 й. ҳолатига баҳолаш бўйича ишлар бажарилган.

2003-2007 йилларда Шимолий Нурота геологик тасвирлаш партияси томонидан Шимолий Нурота тизмасининг ғарбий ҳудудларидаги 900 кв. км майдонда 1:50000 миқёсдаги майдонни қўшимча ўрганиш ишлари ўтказилган (Хан, 2007). Ўтказилган ишларнинг натижасида майдоннинг геологик харитаси, фойдали қазилмалари ва башоратлаш харитаси тузилган, олтинга истиқболли бўлган участкалар, қисман Шарқий Пистали участкаси ажратиб чиқилган. 2013 – 2018 йилларда Самарқанд геология Давлат корхонаси томонидан Пистали конининг ғарбий қанотларида «Шимолий Нурота тоғлари Пистали конининг ғарбий тарафида +200м горизонтгача излаш ишлари» А.Б.Абдимўталов томонидан геологик излаш ишлари олиб борилган. Коннинг геологик тузилишида Юқори протеразой (PR_{2ts}) тасқазғон свитасининг чўкинди-метаморфик тоғ жинслари қатнашади. Ташқазғон свитаси тоғ жинслари слюда-кварцли ва мусковит-серицитли сланецлар, металаовролитлар, метақумтошлар ва кварцитлар, жанубда уларни ёриб чиқувчи диорит порфирит, гранодиорит-порфиритлар ва лампрофир дайкалари ривожланган. Тасқазғон свитаси иккита кенжа свитага ажралиб, тоғ жинслари таркибига кўра еттита пачкага бўлинади. Қуйи тасқазғон кенжа свитасининг терриген жинсларини умумий қалинлиги 2200 м.дан ортиқ. Юқори тасқазғон кенжа свитаси (PR_{2ts_2}) майдоннинг ғарбий қисмларини ташкил этади. Кенжа свита элемент таркибларини аниқловчи бўлиб қалинлиги метр улушларидан бир неча ўн метларгача бўлган метакремнийли кварцитлар, мрамарлашган охактошлар доломитларнинг ташкил топган. Палеоген ётқизиқлари тасқазғон свитаси ётқизиқларига бурчак номослик асосида ётади ва майдоннинг шимолий-ғарбий қисмини қоплайди. Палеоген тоғ жинслари гилли сланец линзачаларига эга кварц-мусковитли қумтошлардан иборат.



1-расм. Пистали конининг геологик харитаси (Нормунинов ва би., 2017 й.)

1 – тўртламчи пролювиал-делювиал ётқизиклар, 2 – Бесапан свитаси, Кембрий ордовик, 3 – Тасказган свитаси. Юқори бўлими, протерозой, 4 – Тасказган свитаси, қуйи бўлими, 5 – лампрофирсимон диоритли порфиритлар, 6 – кварцли диорит порфирлар, 7 – кварцли сиенито-диоритлар, 8 – биотитли гранит, 9 – линзасимон доломитлар, кварцит горизонтлари, 10 – ер ёриқлари, 11 – қадимги ишланмалар, 12 – маъдан таналари, 13 – маъдан майдонлари, 1. Кўлқудуқ; 2. Древний; 3. Консой, 14 – Пистали конидаги геологик қидирув ишлари майдони.

Ётқизиклар қалинлиги 1,5-2 м.дан 20 м.гача бўлиб, шимолий-шарққа қараб қалинлашиб боради. Тўртламчи давр ётқизиклари Тошкент (Q_{11ts}) ва Мирзачўл (Q_{11gl}) мажмуасининг ётқизиклари билан ифодаланиб, улар тасқазгон свитаси ва палеоген даври ётқизикларига бурчак номосликда ётади ва қалинлиги 10 мдан 40 м гача етади.

Тектоник раёнлаштиришнинг мавжуд схемасига (Гарковец ва бош., 1967) кўра, бу ҳудуд Зарафшон-Туркистон структуравий зонасига тегишли.

Пистали кони ҳудуди Ёмбош-Устук брахиантиклиналининг ядро қисмига тегишли. Антиклинал шарнирининг шўнғиш азимути $290-300^{\circ}$, оғиш бурчаги 10° дан 30° гача. Бурма ядросида жинсларнинг ётиши 20 дан 70° гача бурчак ҳосил қилади. Кон майдонида турли йўналишдаги ўзига хос дарзликлар системаси қайд этилади:

- 1) субкентлик (аз.ётиши $160-210^{\circ}$);
- 2) шимолий-ғарбий (аз.ётиши $210-250^{\circ}$);
- 3) субмеридионал (аз.ётиши $250-300^{\circ}$);
- 4) шимолий-шарқий (аз.ётиши $115-165^{\circ}$).

Биринчи ва иккинчи гуруҳдаги дарзликлар билан маъдан минераллашуви кварц томирчалари билан боғлиқ.




2-расм. Сиенито-диорит дайкасининг сланецларни ёриб чиққан қисми. Пистали кони, Олтиндиёр участкаси 4-штолния олдида. Қалинлиги 12.3 м.

Худуднинг магматик шаклланиши интрузив жинслар (гранитоидлар, монцонитоидлар, габроидлар) ва шимолӣ-ғарбий йўналишда чўзилган кенглиги 10 км гача бўлган тик ётувчи дайка таналарини билан ифодаланади. Таркиби жиҳатидан дайкалар лампрофирлар, гранит-порфир, гранофир, гранодиорит таркиби ва кварцли диоритлари билан ажралиб туради.



2-расм. Намуна Пс-7. Кварц-карбонат томирчали спессартит дайкаси.



3-расм. Намуна Пс-42. Анкерит томирчали керсантит дайкаси.

Пистали конида дастлабки ўрганишларда, метасоматик ўзгарган метатерриген жинслардаги минераллашган зоналарида томирча ҳоллар турдаги саноат миқёсидаги олтин маъданлашувларни 1, 2, 3, 3/1, 3/2, 4, 6 маъдан таналари ажаратилган. Ҳосил

бўлиш шароитларига кўра метаморфоген олтин маъданли формацияга, минерал таркиблари бўйича – соф олтин бўлган кам сульфидли пирит-арсенопирит турига киритилади. Маъданлашувларнинг иккита туташ минерал-морфологик турлари ажратилади – метасоматитлардаги томирча-ҳол-ҳол олтин сульфидли маъданлашувлар бўлган маъдан таналари ҳамда олтин таркибли, ётиқ, метаморфоген кварцли томир ва томирчалар.

Хулоса

1. Пистали конидаги асосий тоғ жинслари протеразой тасқазгон свитасининг метатерриген тоғ жинсларидан иборат. Тоғ жинслари метаалевролитлар, кварцит, метақумтошлар ва слюдали сланецлардан ташкил топган.

2. Тектоник жиҳатдан кон Зарафшон-Туркистон структуравий-формацион зонасига тегишли бўлиб, брахиантиклиналнинг ядросига тўғри келади.

3. Маъданлашув чўкинди-метаморфик тоғ жинсларидаги кварц томирчалари ва тоғ жинслари бўйлаб кучли ривожланган метасоматик ўзгаришлари натижасида шакланган. Типига кўра – соф олтин бўлган кам сульфидли пирит-арсенопирит турига киритилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Джуманиязов Д.И., Жуманиёзов И.И. Пистали олтин конининг баъзи бир маъданлашув жараёнлари (шимолӣ-ғарбий Нурота) // Наука и образование в современном мире // Журнал. Нур-Султан (Астана), 2019, - Стр. 73-76.

2. Джуманиязов Д.И., Нематуллаев С.Ю., Каримова Ф.Б. Минералого-геохимические особенности пород золоторудного месторождения Пистали (Северный Нуратау) // Международной научной конференции // Актуальные проблемы геологии и географии Тянь-Шаня и сопредельных территорий. -Бишкек. Кыргызистан. 2020. - Стр. 181-186.

3. Исамухамедов И.М. Петрология Нуратинского батолита. - Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1955. - 472 с.

4. Ишбаев Х.Д. Ксенолиты и гомеогенные включения в магматических образованиях (на примере Кызылкумо-Кураминского окраинно-континентального вулканического пояса). Т.: ГП «НИИМР», -2016. -176 с.

5. Ишбаев Х.Д., Нематуллаев С.Ю., Джуманиязов Д.И. Дайки месторождения золота Пистали (Северный Нуратау) // Геология и минеральные ресурсы // Журнал. № 3. -Ташкент, 2021.